# ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети «Истеъмол бозорини, пул муомаласини тартибга солиш ва нарх-наво устидан давлат назоратини кучайтиришга доир кечиктириб бўлмайдиган тадбирлар тўғрисида» қарор қабул қилди, унда аҳолининг саноат моллари ва хизматларга эҳтиёжларини қондириш, пул билан саноат моллари мутаносиблиги, пулнинг қадрсизланиши жараёнларини қисман бартараф этиш ва ниҳоят республика учун зарур қўшимча молиявий ресурсларни олиш муаммоларига алоҳида эътибор берилган.

Кўп болали оилаларнинг, пенсионерларнинг, шунингдек аҳоли қўшимча даромад манбаи бўлмаган бошқа табақаларининг ижтимоий ҳимояланишини таъминлайдиган бир қанча чора-тадбирларни биринчи навбатда амалга ошириш кўзда тутилган.

Ана шу мақсадда Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ижроия комитетларига, Тошкент шаҳар ижроия комитетига 1990 йилда мева-сабзавот маҳсулотларининг энг муҳим турлари, картошка ва улардан қайта ишлаб тайёрланган маҳсулотларнинг мавсумларга қараб табақалаштирилган шартномавий харид ва чакана нархлари қўлланилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатиш топширилди. Ижтимоий паст нархларда сотиладиган халқ истеъмол моллари турлари тасдиқланди. Уларнинг орасида чақалоқлар, мактабгача ва мактаб ёшидаги болалар учун кийим-кечаклар, трикотаж маҳсулотлар, мактабгача ва мактаб ёшидаги ўғил ва қиз болалар пойабзали, катта ёшдаги кишилар учун мўлжалланган моллар бор.

Бу йил давлат чакана нархлари ўзгартирилмай ушлаб туриладиган оммавий эҳтиёж моллари рўйхатида гўшт ва гўшт маҳсулотлари, сут ва сут маҳсулотлари, жумладан сариёғ, балиқнинг асосий турлари (шу жумладан сельд балиғи), балиқ маҳсулотлари ва балиқ консервалари, овқатга ишлатиладиган мол ёғи, ўсимлик мойи, маргарин ва маргарин маҳсулотлари, пишлоқ, тухум, қанд-шакар, табиий чой, туз, ун, нон ва нон маҳсулотлари, ёрма ва дуккакли дон, макарон маҳсулотлари, болалар овқати ва парҳезбоп овқат, болалар кийим-кечаги ва пойабзал, шунингдек катта ёшдаги кишилар учун ижтимоий арзон нархларда сотиладиган кийим-кечак ва пойабзал, дафтар ва мактаб-ёзув қуроллари бор.

Шартномавий нархлар белгиланиши мумкин бўлган ижтимоий аҳамиятга молик саноат моллари рўйхати белгилаб чиқилди. Уларнинг орасида: газламалар, трикотаж буюмлар, пайпоқлар, кийим-кечаклар, ип газламадан тайёрланган кўрпа, махсус кийим-кечаклар, болалар ва қариялар учун пойабзал, ўйинчоқлар, болалар кажавалари, портфеллар, ранецлар ҳамда бошқа моллар бор.

Ўзбекистон ССР давлат нархлар комитетига нархлар устидан давлат назоратини кучайтириш, ижтимоий аҳамиятга молик халқ истеъмол моллари давлат чакана нархлари оширилишига йўл қўймаслик, арзон буюмларни ишлаб чиқариш тўхтатиб қўйилишининг олдини олиш, шунингдек истеъмол хусусиятлари унча ўзгартирилмаган янги маҳсулотларга асоссиз равишда давлат чакана нархларининг оширилишига йўл қўймаслик топширилди.

Ўзбекистон ССР молия министрлигига болалар учун енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқараётган давлат корхоналарига давлат бюджетларига тўловлар юзасидан имтиёз белгилаш топширилди. Ана шундай молларнинг ўтган йили эришилган даражасига қўшимча сотилган қисмидан олинган фойданинг ҳаммаси бу маҳсулотни тайёрловчи корхона тасарруфида қолиши белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон ССР министрликлари ва идораларининг 1990 йилда халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни қўшимча равишда кўпайтиришга доир таклифлари қабул қилинди, бундай маҳсулотларни ишлаб чиқариш моддий-техника ресурслари билан тўла таъминланган.

Айни бир вақтда шундай тартиб ўрнатилдики, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш учун ўзларига марказлаштирилган тартибда ажратилган ресурслардан бошқа мақсадларда фойдаланган корхоналар бюджетга ана шу хом ашёдан ишлаб чиқарилиши мумкин бўлган халқ истеъмол моллари қиймати миқдорида жарима тўлайди.

Истеъмол бозорини тартибга солиш юзасидан ушбу қарорда кўзда тутилган тадбирлардан келиб чиқиб, 1990 йил плани ҳисоб-китобларида давлат ва кооператив савдоси чакана товар обороти ҳажмини 450 миллион сўмлик кўпайтириш кўзда тутилди.

Товарларни жойлардан харид қилиш, шунингдек деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини аҳолидан шартномавий нархларда харид қилиш ҳисобига қўшимча товар ресурсларини қидириб топиш ҳажмлари тавсия этилди.

Тошкент шаҳар ижроия комитетига Ўзбекистон ССР савдо министрлиги ва Ўзбекбирлашув билан келишиб, 1990 йилнинг биринчи ярмида халқ истеъмол молларининг нодир буюмлар, ҳашаматли буюмлар каби турлари билан шунингдек чет элдан махсус туркумда сотиб олинадиган буюмлар билан коммерция нархларида савдо қиладиган махсус магазинлар очиш топширилди. 1990 йилда коммерция нархларида савдо қилишдан тушган фойда республика аҳолисининг биринчи навбатда, камбағал оилаларнинг турмуш даражасини оширишга сарфланади.

Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, Тошкент область ва шаҳар ижроия комитетларига, Ўзбекистон ССР уй-жой-коммунал хўжалиги министрлигига давлат ва идораларга қарашли уй-жой фондидаги квартираларни шахсий мулкка сотиш практикасини такомиллаштириш тавсия этилди. Шу муносабат билан хоҳлаган ҳар бир оилага ўзи яшаб турган уй-жойини давлат ёки корхонадан ўз шахсий мулки қаторига сотиб олиш имкони берилади. Бунда квартиранинг қиймати уй-жойнинг сифати ва қанчалик эскирганига ва унинг қаерда жойлашганига қараб белгиланади.

Муқим нархларда ва бозор нархларида моллар ишлаб чиқиш ва хизмат кўрсатишни кўпайтиришдан ташқари пул жамғармаларини ноанъанавий соҳаларга (қимматбаҳо қоғозлар, уй-жой, ер участкалари ва бошқаларни сотиб олишга) жалб этиш йўли билан талабни камайтириш иккинчи йўналишдир.

Хусусан СССР жамғарма банки Ўзбекистон республика банкига пулни сақлаш муддатига (5 йилдан ортиқ) турлари ва жамғарма миқдорига қараб гражданларнинг омонат банкида сақланаётган жамғармаларига тўланадиган фойдани 4 фоизгача оширишга рухсат этилди.

Ўзбекистон ССР молия министрлиги билан биргаликда чиқарилаётган СССР давлат хазина билетларини, аниқ мақсадга мўлжалланган давлат процентсиз заёмлари облигацияларини аҳоли орасида тарқатишни таъминлаш топширилди. Бундай заёмлар бўлмаган тақдирда жойлардаги жамғарма банклари аҳолидан қабул қилиб олинган пулни кейинчалик мазкур облигацияларни 1990 йил 1 октябрдан кечиктирмай топшириш шарти билан белгиланган тартибда расмийлаштирадилар.

Шу билан бир вақтда банк берган қарзлардан фойдаланиш учун масъулият оширилади, масалан, қарз ўз вақтида тўланмаган тақдирда қарз умумий миқдоридан йилига 6 фоиз музд ундириб олинади, шунингдек СССР жамғарма банкининг Ўзбекистон республика банкига берилган қарздан бошқа мақсадда фойдаланганлик учун йилига муддатидан олдин 12 фоиз музд ундириб олишга рухсат этилди.

Боғ уйлари қуриш, боғ участкаларини обод қилиш учун олдин берилган қарзлардан фойдаланганлик учун музд тўлашда белгилаб қўйилган имтиёзлар сақлаб қолинди.

Таҳлил шуни кўрсатмоқдаки, пул даромадларининг асоссиз равишда ўсиши устидан қаттиқ назорат ўрнатилган тақдирдагина сўмнинг қадри ошади. Ҳақиқатан, қўшилган меҳнат улушини ҳисобга олмай туриб иш ҳақи тўлашга маблағлардан оқилона фойдаланмаганлиги учун раҳбарларнинг шахсий масъулиятини кучайтириш муҳимдир.

# ТИНМАЙ ИЗЛАНИШМОҚДА

ЧИРЧИҚДАГИ қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинати жамоаси шаҳарликларнинг қурилиш материалларига бўлган эҳтиёжини қондириш борасида тинмай изланишмоқда. Жорий йилда корхона ишлаб чиқариш чиқиндиларидан керамзит-бетон ғиштлар ҳамда ғишт тайёрлаш учун металл қолипларини ишлаб чиқаришни янада кўпайтирди. Бу эса ўз навбатида жамоага биринчи чорак топшириқларини ортиғи билан бажариш имконини берди. Хусусан комбинат режадаги 120 минг сўмлик ўрнига 159 минг сўмлик халқ истеъмоли маҳсулотларини савдо шаҳобчаларига етказиб берди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 109 минг сўмлик кўпдир.

Комбинатнинг бу ютуқларида бундан бир йил илгари корхона қошида ташкил этилган «Изумруд» ширкати ҳиссаси катта.

Э. РИЖИКОВА.

● *Ноҳия ва шаҳар партия ҳисобот-сайлов конференциялари*

## ОҲАНГАРОН НОҲИЯСИ

XXV Оҳангарон ноҳия ҳисобот-сайлов партия конференцияси бўлиб ўтди.

Конференцияда тўғридан-тўғри овоз бериш билан икки номзоддан С. Балашов ноҳия партия комитетининг биринчи котиби ва бюро аъзоси (илгари у халқ депутатлари ноҳия Советининг раиси бўлиб ишлаган эди), А. М. Расулов ноҳия партия комитетининг иккинчи котиби ва бюро аъзоси, илгари ноҳия партия комитети ташкилий бўлимининг мудири бўлиб ишлаган А. А. Бекмуродов ноҳия партия комитетининг котиби ва бюро аъзоси этиб сайландилар.

Ноҳия партия комитети ва ноҳия партия ташкилотининг назорат-тафтиш комиссияси, XXIV Тошкент вилоят ҳисобот-сайлов партия конференциясига делегатлар сайланди. Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди, КПССнинг XXVIII съездига делегат қилиб сайлаш учун номзодлар, юқори партия ташкилотларининг сайлаб қўйиладиган органларининг таркибига номзодлар тавсия қилинди.

Ноҳия партия комитетининг бўлиб ўтган пленумида бюро сайланди. Оҳангарон ноҳия газетасининг муҳаррири тасдиқланди.

Конференцияда Ўзбекистон Компартияси Тошкент вилоят комитетининг биринчи котиби С. М. Мамарасулов нутқ сўзлади.

Конференция ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг масъул ходими В. А. Лозицкий, Ўзбекистон Компартияси Тошкент вилоят комитети ташкилий-партиявий ва кадрлар иши бўлимининг мудири Р. Қ. Турсунов қатнашдилар. (Конференция ҳақида муфассал ҳисобот берилади).

## ЧИРЧИҚ ШАҲРИ

XXX Чирчиқ шаҳар ҳисобот-сайлов партия конференцияси бўлиб ўтди.

Конференцияда тўғридан-тўғри овоз бериш билан Д. Т. Азизхўжаев шаҳар партия комитетининг биринчи котиби ва бюро аъзоси, А. И. Морозов шаҳар партия комитетининг иккинчи котиби ва бюро аъзоси, О. М. Петренко шаҳар партия комитетининг котибаси ва бюро аъзоси этиб сайландилар.

Шаҳар партия комитети ва шаҳар партия ташкилотининг назорат-тафтиш комиссияси, XXIV Тошкент вилоят ҳисобот-сайлов конференциясига делегатлар сайланди. Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездига, КПССнинг XXVIII съездига делегат қилиб сайлаш учун номзодлар, юқори партия ташкилотларининг сайлаб қўйиладиган органлари таркибига номзодлар тавсия қилинди.

Шаҳар партия комитетининг бўлиб ўтган пленумида бюро сайланди, партия комитетининг бўлим мудирлари ва «Социалистический Чирчик» шаҳар газетасининг муҳаррири тасдиқландилар

Шунингдек, шаҳар партия ташкилоти назорат-тафтиш комиссиясининг пленуми ҳам бўлди. Пленум илгари шаҳар партия комитети ҳузуридаги партия комиссиясининг раиси бўлиб ишлаган В. Н. Лобачни комиссия раиси этиб сайлади.

Конференция ишида Ўзбекистон Компартияси Тошкент вилоят комитетининг иккинчи котиби В. Г. Гришчук қатнашди ва нутқ сўзлади.

## ТОШКЕНТ НОҲИЯСИ

XIX Тошкент ноҳия ҳисобот-сайлов партия конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда тўғридан-тўғри овоз бериш билан Т. М. Мирёқубов ноҳия партия комитетининг биринчи котиби ва бюро аъзоси, Р. А. Толипов ноҳия партия комитетининг иккинчи котиби ва бюро аъзоси, Х. С. Сайдалиева ноҳия партия комитетининг котибаси ва бюро аъзоси қилиб сайландилар. Ноҳия партия комитетининг бюроси сайланди, «Шонли меҳнат» ноҳия газетасининг муҳаррири тасдиқланди.

Ноҳия партия комитети ва ноҳия партия ташкилотининг назорат-тафтиш комиссияси, XXIV Тошкент вилоят ҳисобот-сайлов партия конференциясига делегатлар сайланди. Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди, КПССнинг XXVIII съездига делегат қилиб сайлаш учун номзодлар, юқори партия ташкилотларининг сайлаб қўйиладиган органлари таркибига номзодлар тавсия қилинди.

Ноҳия партия ташкилоти назорат-тафтиш комиссиясининг пленуми бўлди. Пленум илгари ноҳия партия комитети ҳузуридаги партия комиссиясининг раиси бўлиб ишлаган Р. Тожихўжаевни комиссия раиси этиб сайлади.

Конференцияда Ўзбекистон Компартияси Тошкент вилоят комитетининг котибаси Ш. Н. Маҳмудова нутқ сўзлади.

(Конференция ҳақида батафсил ҳисобот берилади).



**● Одил Сайдуллаев 159-қурилиш тресги 70-қурилиш бошқармасининг илғор ғишт терувчиси. Йигирма йилдирки, у шу бошқармада меҳнат қилиб келмоқда. О. Сайдуллаев шу давр мобайнида кўплаб турар-жойлар ҳамда маъмурий бинолар қурилишида иштирок этди. Қатор шогирдлар тарбиялади.**

**Суратда: О. Сайдуллаев.**

**Х. СОЛИХОВ суратга олган.**

*МУТАХАССИС МАСЛАҲАТИ*

# БУ ИШНИ КЕЧИКТИРМАНГ

ХАБАРИНГИЗ бор, айрим карантин назорати ходимларининг масъулиятни тўла ҳис қилмаганликлари туфайли бундан икки—уч йил илгари ҳориждан келтирилган уруғлик ва озиқ-овқат учун мўлжалланган картошкага илашиб колорадо қўнғизи уруғлари келиб қолган эди.

Лоқайдлик қимматга тушмоқда. Бу қўнғиз вилоятимизнинг ҳамма ноҳияларига тарқалиб кетди. Картошка ва бошқа сабзавот экинларига катта зиён етказмоқда. Айниқса, Оҳангарон, Калинин, Орджоникидзе, Коммунистик ва Тошкент ноҳияларида картошка экиладиган майдонлар юз фоиз зарарланди.

Табиийки, қўнғизнинг келтирадиган зарари унинг сони, ўсимликнинг зарарланган вақти, нави, об-ҳаво ва бошқа шароитларга боғлиқдир. Шунинг учун бу зараркунанда ҳақида айрим маълумотларни эсингизга солиб қўйиш фойдадан ҳоли эмас, деб ҳисоблаймиз. Колорадо қўнғизининг қурти ўсиш даврида ҳар биттаси 800 миллиграмм барг ейди, сонига қараб баргларни бутунлай еб картошканинг қуруқ навдасини қолдириши ҳеч гап эмас. Агарда битта ўсимликда 15—17 та қурт бўлса, ҳосилдорлик 60—70 фоизга камайиб кетади.

Қўнғизнинг узунлиги 9—12 сантиметр, тухумсимон шаклда. Қаноти устида узунасига 5 та қорачизиғи бўлиб сариқ, қизғиш рангдадир. Бу қўнғиз хавф-хатардан ўзини ниҳоятда эҳтиёт қилади. Ҳатто 70 сантиметр чуқурликда қишлайди.

Қўнғизлар асосан апрель ойида чиқа бошлайди. Икки-уч кун озиқланади. Сўнг чатишади. Урғочи қўнғизлар тухум қўя бошлайди. Одатда тухумни баргнинг орқа томонига тўп-тўп қилиб, ҳар бири яшаш даврида 500 дан 1800 тагача қўяди. Бизнинг шароитимизда битта урғочи қўнғиз тўрт марта авлод беради. Демак, қўшиб ҳисобласак, тухум сони 2 мингдан 7 мингтагача боради. Қўнғиз чиқиши бир ойга чўзилгани учун тухум қўйиши ҳам анча вақтгача давом этади. Шунинг учун ҳам бу зараркунанда ниҳоятда тез кўпаяди. У овқат қидириб, 500 метр ва ундан ҳам кўп масофага учиб боради.

Уни йўқотса бўладими? Кураш чоралари қандай?

Яширишнинг ҳожати йўқ. Ҳозирча мавжуд кимёвий кураш усуллари кўнгилдагидек натижа бермаяпти. Шунинг учун ҳам ҳосилни сақлаб қолиш мақсадида қўл билан курашишга мажбур бўлмоқдалар. Бу иш Калинин ноҳиясида яхши йўлга қўйилган. Колорадо қўнғизи қуртларини қўлда териб олиш ташкил қилинади. Терилган бир дона қуртга бир тийиндан тўланади. Бу маблағлар колхоз ва совхозларнинг моддий рағбатлантириш фондидан ажратилади.

Бу йил эса вилоятимизнинг қишлоқ хўжалигига кимёвий хизмат кўрсатиш бирлашмаси хўжаликларда колорадо қўнғизини қўлда териш учун бюджет ҳисобидан 131 минг сўм пулни қўшимча ажратиб берди.

Бироқ қунт ва ихлос билан иш олиб борилса қўнғизга қарши курашда кимёвий усул ҳам бирмунча самара бериши мумкин. Бунинг учун Нурелл-Д (1 килограмм бир гектарга), сумицидин (0,5 килограмм бир гектарга), децис (гектарига бир килограмм), золон (гектарига 2—2,5 килограмм), битоксибациллин (гектарига 2 килограмм) кимёвий моддаларидан фойдаланишни тавсия этиш мумкин. Агар бу дорилар вақтида, билиб ишлатилса, 70—80 фоизгача қўнғизлар нобуд бўлади.

Ҳозирги пайтда ҳар бир хўжаликда назоратчилар ажратилган бўлиши шарт. Улар экин майдонларини диққат билан кузатиб борадилар ва шу билан бирга қўнғизни қўлда теришни ташкил қиладилар.

Бошқа экинлар экилганда майдон атрофига тўрт қатордан картошка, бақлажон ва болгар қалампирини экишни маслаҳат берамиз. Чунки бу экинларга колорадо қўнғизи кўпроқ етиб келади ва тўпланади. Бу — зараркунандани қириб ташлаш ишини осонлаштиради.

Колорадо қўнғизи ҳақида яна қўшимча маълумот ва унга қарши курашнинг чоралари ҳақида батафсил билмоқчи бўлсангиз, қишлоқ хўжалигига кимёвий хизмат кўрсатиш вилоят бирлашмасининг ноҳиялардаги бўлинмалари, карантин назорати, ўсимликларни ҳимоя қилиш станциялари ходимларига мурожаат қилишингиз мумкин.

**И. ТОЖИБОЕВ,**
**қишлоқ хўжалигига кимёвий хизмат кўрсатиш вилоят ишлаб чиқариш бирлашмаси раиси.**

*Бугун—Бутунжаҳон Қизил крест ва Қизил Ярим ой жамияти куни*

# «МУШКУЛ КУНЛАРДА ЁНМА—ЁНМИЗ»

**ХАЛҚАРО умумий ташкилотнинг энг садоқатли отряди ҳисобланган жумҳуриятимиз Қизил крест ва Қизил ярим ой жамияти аъзоларининг кўп миллионли армияси ўзининг инсонпарварлик бурчини, меҳр-оқибат, раҳм-шафқат кўрсатишдек вазифаларини сидқидилдан бажармоқда. Жамият аъзоларининг анъанавий байрами арафасида мухбиримиз ЎзССР Қизил ярим ой жамияти вилоят бўлими раисининг ўринбосари Ш. ХУДОЙБЕРГАНОВА билан суҳбатлашди.**

**— Шоҳида Нишоновна! Аввало ташкилотингиз ва унинг барча аъзоларини бугунги байрам билан қутлаймиз. Айни пайтда жамиятингизнинг кейинги йиллардаги фаолияти билан газетхонларни таништирсангиз...**

— Бажонидил.

1863 йили Женевада жаҳондаги ўн олти мамлакат вакиллари иштирокида ташкил этилган бу жамият сафи йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Ўтган йили унинг 125 йиллиги нишонланди. Бу йиллар мобайнида жамиятга элликдан ортиқ мамлакат, шу жумладан, Россия ҳам қўшилди. Бугунги кунда эса раҳм-шафқат ҳаракати байроғи остига 125 миллатга мансуб мамлакатлар жамиятлари бирлашган. Қизил крест ҳаракати ўз тарихи давомида жаҳонда ва бизнинг мамлакатимизда доимо ривожланиб, ўз фаолиятини кенгайтириб, давр олдига қўйган талабларни бажариб келмоқда. В. И. Ленин таъбири билан айтганда, меҳнаткаш халққа ишончли ва ҳақиқий хизмат қилмоқда.

**— Шу ўринда жамиятнинг асосий вазифалари хусусида тўхталсангиз. Хусусан, мен ҳар йили байрам қандайдир шиор остида ўтар экан, деб эшитгандим.**

— Бу йилги байрам «Инсон ҳаёти ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш» шиори остида ўтаётганлиги билан характерлидир. Демак, халқ фаровонлигини, кишилар моддий ва маданий турмуш даражасини яхшилашга кўмаклашиш жамиятимиз ҳаракат программасида асосий ўрин тутади. Инсонийлик, дўст бошига кулфат тушганда унга зудлик билан ёрдамга келиш халқимизга хос фазилатдир. Бундай олижанобликлар Гражданлар уруши даврида ҳам, Улуғ Ватан уруши йилларида ҳам намоён бўлди. Бундай пайтда бутун мамлакат бўйлаб очарчилик, турли касалликлар кенг тарқалиб ётган бир пайтда Қизил крест ва қизил ярим ой жамияти аъзолари фаол иш олиб бордилар. Улуғ Ватан уруши йилларида эса жамият аъзолари — врачлар, ҳамшира ва санитаркалар миллионлаб кишилар ҳаётини сақлаб қолдилар. Уларнинг ёрдами туфайли жангларда ярадор бўлган солдат ва офицерларнинг 70 фоиздан кўпи омон қолди.

**— Албатта, бу фактларнинг ҳаммаси яхши. Жамиятнинг вилоят бўлими фаолиятидан ҳам шундай аниқ мисоллар келтиришингиз мумкинми?**

— Ҳозирги кунда умумиттифоқ Қизил крест ва қизил ярим ой жамияти сафида 130 миллиондан ортиқ аъзоси бўлса, шундан салкам бир миллиони вилоятимиз қизил ярим ой ташкилотига бирлашган. Тошкент вилоятида яхши санитария шароитини таъминлаш, атроф-муҳит муҳофазаси, касалланиш, жароҳатланиш ва ўлимнинг камайиши, беғараз қон топширилишини кенг тарғиб қилиш, ногиронлар ва ёлғизлар, уруш ва меҳнат ветеранларига хизмат кўрсатиш, табиий офатлар, туфайли жабрланган халқларга ёрдам бериш, умуман инсон ҳуқуқлари учун курашиш борасида аъзоларимиз фаол иш олиб боряптилар. Хусусан, Чернобиль аварияси, Арманистон ва Тожикистондаги зилзила оқибатларини бартараф этишда аъзоларнинг ҳиссаси катта бўлди. Жумладан, Арманистонда бахтсизлик рўй берган куниёқ Тошкентдан учган энг биринчи самолётда вилоят Қизил ярим ой ва қизил крест жамияти томонидан ажратилган энг зарур дори-дармонлар бор эди. Шунингдек, куни кеча Бўстонлиқ ноҳиясида сув тошқинидан зарар кўрган жабрдийдаларга ҳам катта ёрдам кўрсатилди. «Қизил ту» колхози ва «Ленинград» колхози аъзолари учун 20 минг сўм миқдорда ёрдам берилди.

**— Вилоят Қизил крест ва Қизил ярим ой жамиятининг ўз ташаббуси билан ташкилий ишлар ҳам олиб бориляптими?**

— Менимча, Афғонистонда хизмат бурчини ўтаган, бедарак йўқолганлар бўйича қидирув ишларида қатнашаётганлигимизни назарда тутяпсиз шекилли. Умуман биз ташкилий ишлардан четда эмасмиз. Хусусан, афғон урушининг оғир оқибатлари бугунги кунда барчага маълум. Халқимиз бу совуқ урушда 13 минг 310 мард ўғлонидан айрилди, 35,5 минг паҳлавон йигит эса ногирон бўлиб қолди. Энг аламлиси 313 афғон йигити эса бедарак йўқолди. Уларни қидириб топишда СССР Мудофаа ва Ташқи ишлар вазирликлари билан биргаликда Қизил ярим ой жамияти ҳам фаол иш олиб боряпти.

Бундан икки йил аввал бу жамият аъзоларидан иборат делегация аъзолари Кобулда бўлишиб Афғонистон Қизил ярим ой жамияти билан биргаликда бедарак йўқолган совет ҳарбийларини қидириш ва Ватанига қайтариш бўйича ҳамкорлик программасини тузган эдилар. Бу шартномага асосан икки совет йигити Ватанига қайтиб келди. Бу билан кўпгина фарзандини ҳануз кутаётган оилаларда умид чироқларини ёқди.

Яқинда жамиятимиз раиси Вили Шукурович Тошев Чирчиққа, Бекмуродовлар оиласига қувончли хабар олиб борди.

Эркин ака ва Раҳима опа Бекмуродовлар 1987 йилнинг 4 октябрида ўғиллари — Афғонистонда хизмат қилаётган Мурод Бекмуродовнинг бедарак йўқолганлиги ҳақида хабар олган эдилар. Ниҳоят, орадан салкам уч йиллик изтироблардан сўнг ота-она фарзандлари йўллаган мактубни ҳаяжон ва қувонч билан ўқидилар.

— Кўнглим ўғлимнинг тирик эканлигига ишонарди, — дейди кўз ёшларини артиб она, — унинг дийдорини бир кўриб ўлсам армоним йўқ. Биз ҳам Раҳима опа ва Эркин акаларнинг ўғиллари билан ҳаяжонли учрашувларига гувоҳ бўлишни истаймиз.

Суҳбатимиз сўнггида мен вилоятимиздаги барча саховатли кишиларга хайрли ишга ҳисса қўшишларини истаб, счетимизни эълон қилмоқчиман. У қуйидагича: Тошкент шаҳар турар-жой банки, счет № 000700853. код 734279.

**Суҳбатни З. ЖЎРАЕВА олиб борди.**

*● Хориждан хабарлар ●*

**● КУБА Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, Давлат кенгаши ва Министрлар Советининг раиси Фидель Кастро Гаванага келган совет парламент делегациясининг раҳбари, СССР халқ депутати, КПСС Марказий Комитети котиби О. Д. Бакланов билан учрашди. Унда ҳар иккала мамлакатдаги аҳвол ва халқаро масалаларга доир фикрлар ўртага ташланди. Учрашув анъанавий дўстлик руҳида ўтди.**

**● ЧЕХОСЛОВАКИЯДАН совет қўшинларини олиб чиқиб кетиш жараёни белгиланган график асосида аниқ адо этилмоқда. Ҳозирги пайтгача Чехия ва Словакия Федератив жумҳуриятини 17 минг 300 нафар совет ҳарбийлари ва уларнинг оила аъзоларидан 8 минг 600 киши ташлаб чиқиб кетди. Шунингдек, 403 танк, 649 та турли хил ҳарбий ва зирҳли машиналар, 236 та тўп ҳамда миномётлар, 18 та ракета отувчи қурилма, 92 та вертолёт, 4 мингтадан зиёд юк автомашиналари ҳам Совет Иттифоқига жўнатилди.**

**● ЎТГАН шанба куни Афғонистон пойтахти Кобулнинг аҳоли гавжум жойларида Америкада ишлаб чиқарилган бир нечта реактив снарядлар портлади. Бир киши қурбон бўлди, уч киши жароҳат олди.**

**● КОНСТАНТИНОС Караманлис Грециянинг янги президенти сифатида қасамёд қилдирилди. К. Караманлиснинг ёши 83 да. У ўзининг сиёсий фаолиятини 1935 йилда бошлаган эди. У бир неча бор ҳукумат аъзоси бўлди, бош министр лавозимини эгаллади ва бир марта президент этиб сайланди. Сўнгги йилларда К. Караманлис сиёсатга у қадар аралашмай қўйган эди.**

**● ГРЕЦИЯДА чиқадиган «Элефтерос типос» ҳафтаномасининг хабар беришича, Тиранада Албаниянинг собиқ раҳбари Энвер Хўжанинг рафиқаси Нажмия Хўжа ҳибсга олинган. Н. Хўжа кейинги пайтгача муҳим лавозим — Албания демократик фронти раиси вазифасини эгаллаб турган эди. Уни ҳибсга олишнинг асосий сабабларидан бири — мамлакатнинг ҳозирги раҳбари Рамиз Олия билан келишмай қолганлиги, деб кўрсатилади. Афинадаги Албания элчихонаси вакилининг айтишича, ҳафтанома тарқатган хабарлар ҳеч қандай асосга эга эмас. Н. Хўжа ҳозир ҳам ўз вазифасини эгаллаб турибди.**

**● АПЕННИН ярим оролидаги кичик мамлакат — Сан-Маринода фаолият кўрсатаётган Сан-Марино коммунистик партияси номи ўзгартирилди. Энди у Сан-Марино Тараққиёт-Демократик партияси деб аталади.**

**● ЎТГАН шанба куни минглаб талабалар ва ўқувчилар Куба пойтахти — Гавана кўчаларини тўлдирдилар. Улар «Бу ерда ҳеч ким таслим бўлмайди!», «Социализм ёки ўлим!», «Бизлар қўрқмаймиз!» деб ёзилган байроқлар ва плакатлар кўтариб олишган эди. Куба ёш коммунистлари иттифоқи ташкилоти раҳбарларидан бирининг айтишича, бу юриш мамлакат ёшларининг инқилобга, партия, Фидель Кастро ҳамда социализмга садоқатини намойиш қилди.**

**● РУМИНИЯ пойтахтида яна бир жанжалли иш фош этилди. Мустабид Чаушеску ҳукмронлик қилган йилларда унинг икки укаси — Марина ва Илие бу мамлакатга Варшава шартномаси доирасида етказиб берилган Совет ҳарбий техникаси билан савдо қилиб келганлар. «Вашингтон пост» газетасининг таъкидлашича, юксак лавозим эгалари бўлган ака-ука махфий келишувлар орқали Америка Қўшма Штатларига ҳарбий совет техникасини сотиб келганлар. Америка томони уларга 40 миллион доллардан кўпроқ маблағ тўлаган. Шу маблағнинг 20 фоизи Чаушескулар оиласи чўнтагига тушган.**

**● АМЕРИКАНИНГ Техас, Оклахома, Арканзас штатларида жуда кўп жойларни сув босди. Дарёлардан сув тошиши натижасида қатор аҳоли пунктлари сув остида қолди. Минглаб кишилар бошқа жойларга кўчирилди. Қишлоқ хўжалик экинзорларининг катта майдонига тузатиб бўлмас даражада зарар етказилди.**

**● ҲАР ЙИЛИ ўз саломатлиги учун Американинг бир оиласи 2051 доллар сарф қилар экан. Бу рақам Канадада — 1515 долларни, Японияда 917 долларни ташкил этади. «Ситизен экшн» тадқиқот ташкилотининг келтирган рақамлари ана шундай.**

*● Хориждан хабарлар ●*




## БУЮК ҒАЛАБАНИНГ 45-ЙИЛЛИГИ

# ЖАНГЛАРДА ТОБЛАНГАНЛАР

Улуғ Ватан уруши совет халқи учун ниҳоятда машаққатли ва оғир бўлди. Унда шонли ғалабага эришиш, қора касофатни ўз уясида мажақлаб ташлаш жуда қимматга тушди. Она Ватанимизнинг, жумҳуриятимизнинг не-не ўғлонлари нобуд бўлди, бутунлай мангуликка бош қўйдилар. Улар орасида ўзбек милицияси вакиллари ҳам бор эди.

Уларнинг кўплари уруш бошланган дастлабки кунданоқ кўнгилли бўлиб фронтга жўнаб кетдилар. Тошкентдаги милиция мактаби тингловчиси бўлган курсантларнинг эллик фоизи, командир-ўқитувчилар таркибининг ўттиз фоизи, Самарқанд милиция органлари ходимларидан 148 киши ўзбек миллий дивизияси, шунингдек афсонавий генерал Панфилов дивизияси сафида эдилар.

Милиция мактаби бошлиғининг сиёсий қисм бўйича ўринбосари Боймурзаев, мактаб партия комитети котиби Габдулхалилов, мактаб комсомол комитети котиби Меш, ўқитувчи Кунашбоев ва бошқалар кўнгиллилар сафида фронтга кетдилар. Ички ишлар органларининг 600 дан ортиқ ходими урушнинг биринчи кунларидан турли фронтларда қаҳрамонона жанг қилдилар.

Давлат автомобиль инспекциясининг фаолияти тубдан қайта қурилди. Унинг жойлардаги бўлинмалари автомобиль транспортини Қизил Армия эҳтиёжлари учун ишлашга сафарбар этишга киришди. Автомобиль парки тракторлар ва судрагичларининг техникавий ҳолати бутун уруш давомида уларнинг эътибор марказида турди.

Улуғ Ватан урушида минглаб милиция ходимлари ҳалок бўлдилар. Улар орасида омон-эсон қайтиб келганлари ва яна ички ишлар органларида ишни давом эттирганлари ҳам бўлди. СССР Ички ишлар вазирлиги Тошкент олий мактабининг собиқ кафедра мудири, ҳуқуқий фанлар номзоди Г. У. Убайдуллаев уруш йиллари 72-гвардиячи дивизиянинг пулеметчилар взводига командирлик қилди. У Белгород, Харьков учун жангларда қатнашди. Довюраклиги учун қатор ҳукумат мукофотлари билан тақдирланди. Собиқ қирувчи — учувчи А. Андрюшенко фашист калхатларини даҳшатга соларди. У урушни Кенингсбергда тугатди. Тошкент махсус милиция мактабида ўқитувчилик қилиб подполковник И. Аглиуллин фашизмнинг таянч қўрғони Берлинни штурм қилишда қатнашди. У артиллерия ўтини мўлжалланган нуқталарга йўналтириб турди. У тўртта орден ва медаллар билан мукофотланди.

Тошкент шаҳар ижроия комитети ички ишлар бошқармаси моторлашган дивизияси командири бўлиб ишлаган Владимир Зокирович Мўминов уруш йилларида юз миллиметрли ўзиюрар қурилмалар батареясига командирлик қилди. Соф ўзбек деҳқони оиласида ўсиб улғайган бу йигитнинг исми Владимир бўлиб қолганлигининг боиси бор. Унинг отаси босмачиларни тор-мор қилишда фаол қатнашиб, ўз фарзандига пролетар инқилобининг доҳийси В. И. Лениң исмини қўйган эди. Бу батареяда қўрқмас ва жасур разведкачи Совет Иттифоқи Қаҳрамони Зоя Космодемьянскаянинг акаси Александр ўзиюрар қурилма командири бўлиб хизмат қилган эди. У ҳам ўз синглиси каби Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди. В. З. Мўминов ҳарбий хизматдан қайтиб келганда унинг кўксини ўн битта жанговар орден ва медаллар безаб турарди. Ўн иккинчиси — «Жамоат тартибини сақлаш бўйича аъло хизматлари учун» медалини милиция органларида ишлаб юрган вақтида олди.

Собиқ жангчи Дина Семеновна Люжаровская ички ишлар органларида ишлашни давом эттирди. У 1942—1946 йилларда авиация қисмларида хизмат қилган эди. Улуғ Ватан уруши йилларида турли бомбардимончи, штурмчи самолётларни узоқ масофаларга учишга тайёрлашда қатнашган Нина Ивановна Красикова эса Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазирлиги котиботида узоқ йиллар инспектор бўлиб ишлади. Жанггоҳларда фаол қатнашиб, кўпгина орден ва медаллар соҳиби бўлган ички ишлар полковниги Нина Павловна Торбина яқинда жумҳурият ички ишлар вазирлиги котиботи бошлиғи лавозимидан истеъфога чиқди.

Коммунист Муйдин Ҳасанов Ватанимизнинг довюрак посбонларидан бири эканлигини жанг майдонларида кўрсатди. Қизил Армия сафларида хизмат қилишга чақирилгунча Қува ноҳия ички ишлар бўлими паспорт столининг бошлиғи бўлиб ишлаган М. Ҳасанов немис-фашист босқинчиларига қарши жангларда қаҳрамонлик намуналарини намойиш этди. Шунинг учун ҳам унга СССР Олий Совети Президиумининг Фармони билан Совет Иттифоқи Қаҳрамони юксак унвони берилган эди. Жумҳурият милиционерлари сафини тўлдирган уруш ветеранлари сафида жумҳурият Ички ишлар вазирлигининг тергов бошқармаси бошлиғи бўлиб ишлаган Совет Иттифоқи Қаҳрамони полковник А. А. Голубенко, учала даражадаги Шуҳрат ордени нишондори, 1945 йилнинг 24 июнида Москвада бўлиб ўтган Ғалаба парадида қатнашган Г. Валиев ва бошқалар ҳам бор. Г. Валиев яқин-яқинларгача республика ички ишлар вазирлигида раҳбар мансабларда ишлади.

Милиция катта лейтенанти Ғ. Усмонов Улуғ Ватан уруши йилларида шонли жанговар йўлни босиб ўтди. У Вена, Будапешт шаҳарларини озод этишда қатнашди. 1953 йилнинг 20 майида жамоат тартибини муҳофаза қилиш бўйича жанговар постда бирнеча бор қамалган рецидивчининг қурбони бўлди. Унинг номи ўзи хизмат қилган бўлинма шахсий таркиби рўйхатига абадий киритилган.

Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, Қизил Юлдуз ва кўпгина бошқа жанговар медаллар нишондори В. С. Зайцев яқин вақтгача Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, сўнгра Ички ишлар вазирлиги жамоат тартибини муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи бўлиб ишлаб келди. У тинчлик даврида жамоат тартибини бузувчиларга, жиноятчиликка қарши фаол курашганлиги, ўз хизмат вазифаларини бажаришда довюраклик, фидокорлик ва жасурлик кўрсатгани учун Қизил Юлдуз ордени ҳамда «Жамоат тартибини сақлашдаги аъло хизматлари учун» медали билан тақдирланди. Урушнинг фаол иштирокчиси, полк штаби бошлиғи сифатида кўпгина ҳаёт-мамот жангларида аскарлар билан ёнма-ён туриб жанг қилган, кўпгина орденлар ва медаллар нишондори, жумҳурият ички ишлар вазирининг ўринбосари бўлиб ишлаган милиция генерал майори Ш. Р. Ҳасанбоев яқинда пенсияга чиқди.

Улуғ Ватан уруши умуман совет кишиларининг, шу жумладан совет милицияси ходимларининг тенги йўқ ватанпарварлиги, маънавий-ахлоқий фазилатларига қаттиқ синов бўлди. Ундан шараф билан ўтган милиция ходимлари совет кишиларининг тинч ҳаётини турли ғаламуслар тажовузидан муҳофаза қилиш каби яна бир кураш майдонида ҳам фидокорлик кўрсатдилар ва кўрсатмоқдалар.

**Р. ҲОШИМОВ,**
**СССР Ички ишлар вазирлиги ВИПТШ Тошкент факультетининг катта илмий ходими, ҳуқуқ фанлари номзоди.**





**Буюк Ғалабанинг 45 йиллиги арафасида область «Билим» жамиятига Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ташриф буюришди. Бу ерда уларни тўкин дастурхон тузаб, эсдалик совғалари билан қутлашди. Бу нуроний кексалар доим халқ орасида. Улар уруш хотираларини сўзлаб берадилар, ёшларни она-Ватанга муҳаббат, хайрли анъаналаримизга садоқат руҳида тарбиялашга ҳисса қўшяптилар.**

**Суратларда: учрашувдан лавҳалар.**

**А. ЗУФАРОВ суратлари.**

ҚАЙТА ТИРИЛГАНЛАР

# УМРИНГИЗГА БАРАКА, САФАР ОТА!

Уруш бошланган кезлари уларнинг тўйлари бўлди. Орадан уч ой ўтар-ўтмас Сафаржон кўплар қатори фронтга — жангга кетди. Янги келин Маҳбуба 1943 йилнинг кузида «қора хат» олди...

Деҳқон ўғли Сафар отасидан тўрт ёшида етим қолгач, меҳнатга эрта ўрганди. Колхозда омоч ҳайдаб шоли экди, чигит қадаб пахта етиштирди. Чўпонлик ҳам қилди, кейинчалик пахта бригадири бўлиб ишлади. Йиғим-терим бошланган кезда ҳамқишлоқ-улфатлари Ўришбой Рустамов, Абдуқодир Холматовлар билан Сафаржон ҳам Олмалиқ ва Пискентда жанговар тайёргарлик машғулотларидан ўтгач, Орёл-Курск бўсағасида бораётган ҳаёт-мамот жангларида қатнашди.

Сафар Алимов хизмат қилаётган қисм қисқа муддатли дам олишда ўрмонга жойлашган эди. Тун ярмида буйруқ билан ҳамма оёққа турди. Ниҳоят учинчи куннинг тонг отар пайтида янги манзилга етиб келишди.

...Тонг ёришгач қонли жанглар қизиб кетди. Снарядларнинг даҳшатли портлашидан жангчиларимиз карахт, тупроққа қоришиб ҳолсизланиб ётишарди. Сафар траншеядан судралиб чиқди-да, атрофга разм солди. Олдинда қаватли тиконли сим тўсиғи. Ундан ўтиш амри-маҳол. Йўл очишнинг иложини топиш керак. Сафар буни уддалади.

Артиллерия тўхташи билан жангчиларимиз ҳужумга ўтди. Душманнинг биринчи, иккинчи мудофаа чизиқларини яксон қилиб, кўзланган марра эгалланди. Яна битта қишлоқдан гитлерчилар ҳайдаб чиқарилди. Ана шу жангда Сафар Алимов чап қўлидан яраланди. Уни ҳамшира санбатга олиб кетди.

Даволаниб сафга қўшилган Сафар ва қуролдашлари фашистлар билан юзма-юз олишувда икки фрицни ер тишлатди. Ўзи чап оёғидан яраланди. Госпиталдан қайтгач, Воронеж шаҳри бўсағасидаги оғир жангларда қатнашди.

Ноҳия ҳарбий комиссариати архивида Сафар акага доир ҳужжатни топиш осон кўчмади. Бир неча кун изланишни талаб қилди. Ва ниҳоят «марҳум»га оид қуйидаги ёзувларни дафтаримга кўчириб олдим.

«Алимов Сафар, 1914 йилда Куйбишев номли колхозда туғилган. 1942 йил 20 сентябрда ҳалок бўлган. Марҳумнинг жасади Воронеж шаҳар бўсағасида дафн этилган».

Ҳарбий комиссариатдан чиқдим-у, Оҳангарон ноҳияси Ленинчи қишлоғидаги Алимовлар хонадонига йўл олдим.

— Келинг, келинг, меҳмон,— Маҳбуба ая мени самимий очиқ юз билан кутиб олдилар.

Ёзиб олган ҳужжат билан таништирган эдим ҳамки кўча эшикдан кириб келган нуроний отахон саломлашиб дастурхон атрофидан жой олди.

— ...«Ўлиб, қайта тирилган» Сафар акангиз,— деб менга таништирди Маҳбуба ая.

Отахон бошидан кечирган воқеаларни ҳикоя қила кетди:

— Ўқчи взводимиз ўша Воронеж шаҳрига яқин ўрмон атрофида жанг қилаётган эди. Янглишмасам, душманнинг беш-олти марта ҳамласини қайтардик. Муддаосига эриша олмаган аламзада гитлерчилар кун ботишга яқин тартибсиз ҳужумга ўтишди. Устимизга мина ва снарядлар ёғила бошлади. Чапда фашист автоматининг овози тинмасди. Орадан сал ўтмай қўлимни бир нарса куйдириб ўтди. Кўзим тиниб, хушсиз йиқилдим... Госпиталда олти ой даволандим. Бир қўлим ногирон бўлиб уйга қайтдим. Менимча, оғир шикастланганимдан бехабар қолган командиримиз «қора хат» жўнатган бўлиши эҳтимол. Акам Маҳмуджонга қайтиб келиш насиб этмади, начора.

Отахон фронтдан қайтгач, Куйбишев номли колхозда, сўнгра совхозда (колхоз совхозга айланган) ферма мудири, пахта бригадири ва бошқа ишларда чорак асрдан кўп ҳалол меҳнат қилди.

Етти фарзанднинг отаси, «бир этак» невара-чеваранинг бобоси С. Алимов ҳозир қарилиқ гаштини сурмоқда. Фарзандлари халқ хўжалигининг турли соҳаларида фидокорона меҳнат қилиб қайта қуришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Бахт-саодатимиз йўлида жангларда жон бериб, жон олган ва меҳнатда тобланган пиру-бадавлат отахон билан хайрлашарканман:

— Саломат бўлинг, умрингизга барака Сафар ота,— дедим.

**Акром АЪЗАМОВ,**
**уруш ветерани.**

# Мамнун бўлишди

Тошкентдаги Мирза Юсуф маҳалла қўмитаси клубида уруш ва меҳнат ветеранларини буюк Ғалабанинг 45 йиллиги муносабати билан шарафлаш кечаси бўлиб ўтди.

Учрашувда сўзга чиққан, маҳалла қўмитасининг раиси Мурод Турдихўжаев ушбу улуғ байрам билан шу ерга йиғилганларни ва бетоблиги сабабли учрашувда қатнаша олмаган азиз маҳалладошларни барча аҳли жамоа номидан чин дилдан табриклади. Тантана қатнашчилари ўзининг эл-юртга фидокорона меҳнатлари баракали ижоди билан танилган атоқли ёзувчи, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шуҳрат (Ғулом Алимов), ветеран-шифокор Мутал ака Хошимов ва бошқа кўплаб уруш қатнашчиларининг эсдаликларидан тингладилар.

Маҳалла аҳли байрам муносабати билан отахонлар шарафига байрам дастурхони ёздилар. Ноҳия маданият уйи ходимлари ўз санъатлари билан учрашув иштирокчиларини хушнуд этдилар.

**М. МИРАЛИЕВ.**

**Суратда: тантанадан лавҳа.**

**Д. АҲМЕДОВ суратлари.**



СИЗДА ҚАНДАЙ ЯНГИЛИК БОР?

# БАЙРАМНИ ҚАНДАЙ НИШОНЛАЙСИЗ?

**Ақий АЪЛОЕВ,**
**пойтахтнинг Октябрь ноҳиясидаги Маннон Уйғур номли маҳалла комитети раиси**

— Улуғ Ватан урушида қозонилган Буюк Ғалабанинг 45 йиллигини маҳалламиз аҳли бу йил бошқачароқ нишонлаш тараддудида. Биз маҳалладошларимизнинг бундан салкам ярим аср муқаддам бўлиб ўтган жангу-суронларда ҳалок бўлган оталари ва ака-укалари номларини абадийлаштириш мақсадида, Хотира боғи яратишга ва унинг марказида ёдгорлик очишга аҳд қилдик. Бунинг учун энг гавжум жойдан 15 сотих ер ажратилиб, ободонлаштирилди. Оқ ва қора мармарлардан ажойиб ёдгорлик тикланди. Унга Ватан учун курашиб, ҳалок бўлган ёки фронтларда бедарак кетган 110 кишининг исми-шарифи ёзилган.

Боғда, шунингдек, оқсоқоллар чойхонаси очишни мўлжаллаяпмиз. Бунинг учун махсус шийпон қурдик. Қолаверса, бу хиёбон шу ён-атрофдаги икки мактаб ўқувчилари ва маҳалладаги боғчалар тарбияланувчиларининг турли тадбирлар ўтказадиган манзилгоҳи бўлиб қолиши кўзда тутилмоқда.

Мазкур боғ ва ёдгорликнинг очилиш маросимини эртага — Ғалаба кунида ўтказиш ниятидамиз. Улуғ Ватан уруши йилларида ҳалок бўлган маҳалладошларимиз ҳақида бирор маълумотга эга бўлган ва уларни биз билан бирга хотирлаш истагини билдирганларнинг барини ушбу тадбирга таклиф этамиз.

# МАНГУГА ХАЙРЛАШМАГАН ҚОДИРОВ

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент политехника институтининг доценти, тарих фанлари номзоди Носир Қодировнинг авайлаб сақлаётган ҳужжатлари орасида бир варақ сарғайиб кетган 45 йиллик мактуб бор. Биз унинг тарихини сўраймиз.

— 1945 йилнинг 28 апрелида ёзганман,— дейди Носир ака,— Берлин остоналари... вазиятни ўзингиз биласиз. Нима учундир она-Ватанимга қайтиб келишга ишончим йўқроқ эди. Шунинг учун мактубимнинг охирига «Мабодо мен билан мангуга хайрлашишингизга тўғри келса Ватаним озодлиги учун, Ўзбекистоним учун, ёшларимиз ва халқимизнинг қувноқ турмуши учун курашда шаҳид бўлди деб ҳисобланглар» деган сўзларни қўшиб қўйдим. Хат ташувчи уни олиб кетди.

Ротамиз Заелов тепалигида тиш-тирноғигача қуролланган душман билан омонсиз жангларни давом эттирарди. Қурбонлар жуда кўп бўлди. Ғалаба кунлари нафаси келиб турган дамларда ҳалок бўлиш жуда алам қиларди. Қаёққа қараманг мурдалар, бизнинг жонимиз кони фойдага қолган. Ана шу тепаликдаги жанглардан сўнг ротада саноқли аскар ва офицерлар қолди. Не-не қурбонлар эвазига бўлса ҳам Берлинга кириб бордик.

Тарихчи олим уруш воқеаларини жуда яхши эслайди. Жуковнинг «Эсдаликлар ва мулоҳазалар», Чуйковнинг «Учинчи рейхнинг тугаши» китоблари олим кутубхонасидан алоҳида ўрин олган.

— 1946 йилнинг 3 августида бизга рухсат беришди,— дейди у. Германиядаги совет қўшинлари бош қўмондони Совет Иттифоқи Маршали Соколовский ва ҳарбий кенгаш аъзоси Макаровлар имзо чеккан рухсатномада армияда виждонан хизмат қилганлигимиз учун чуқур ташаккур билдирилган ва она юртимизга эсон-омон етиб боришимиз учун оқ йўл тиланган эди.

...Дарс жадвалидан Н. Қодиров лекция ўқиётган хонани топамиз. Ичкарида талабалар чуқур сукут билан уни тинглашяпти. Доцент Қодиров дарслик ва китоблардан ўқиган мавзуни эмас, ўзи иштирок этган, ўз кўзи билан кўриб, қулоғи билан эшитган воқеаларни сўзларди.

**Карим НОРМАТОВ,**
**тарих фанлари доктори.**
**Назирбой ТОЖИБОЕВ,**
**тарих фанлари номзоди.**



# ОЛОВЛИ ЙИЛЛАР МУҲРИ ЮРАКДА

Муҳиддин аканинг ёшлик йиллари оғир дамларга тўғри келди. Уруш бошланганда у биринчилар қатори фронтга отланди, аммо ёши етмади. 1942 йилнинг бошларида кўнгиллилар сафида жўнаб кетди. Ховосда ҳужжатлар текширилаётганда уни ўртоқлари яширдилар. Шу зайлда Харьков вилоятининг Июзм шаҳригача борган ўзбек йигити биринчи жангга кирди.

Сталинград, Кубан чўллари, Украина шаҳар ва қишлоқлари, Польша, Руминия, Венгрия, Чехословакиядан ўтиб, Берлингача борди. Бир қўлида қурол бўлса, бошқасида қалам эди. У ҳарбий мухбирлик фаолиятини 2-Украина фронтининг «Суворовчи» газетасида бошлади. Фронтнинг олдинги чизиқларида душман билан юзма-юз олишаётган ўзбекистонлик жангчилар ҳақидаги лавҳаларини барча қизиқиб ўқирди. Ёш мухбир кўпинча олдинги қисмлар, кузатиш пунктлари, командирлар қароргоҳларида бўлар, ўз кўрган-кечирганларини қоғозга туширарди. Унинг мақолалари СССР Мудофаа Министрлигининг органи — «Красная Звезда» газетасида ҳам пайдо бўла бошлади. «Менинг комсомолим» шеъри эса «Комсомольская правда» газетасида босилиб чиқди. Муҳиддин фақат ўз кўзи билан кўрган, бевосита иштирок этган воқеалар ҳақида ишонарли қилиб ёзарди. Маҳорати ва фидойилиги учун уни «Красная Звезда» газетасига ишга таклиф қилишди. Энди жангларда тобланган, қалами ўткир мухбирлар — Константин Симонов, Илья Эренбург, Борис Полевой, Александр Долматовскийлар билан ҳамкорлик қила бошлади.

...Қўшинларимиз Руминия тупроғини босқинчилардан озод қилаётган дамлар эди. 229-ўқчи дивизия Клуж шаҳри яқинига жойлашди.

— Душманнинг кучи ҳақида аниқ маълумотлар йўқ, — деди дивизия командири, генерал Захаров ҳузурига бир группа разведкачиларни чақириб.— «Тил» тутиб келтириш керак. Офицер бўлса янаам яхши. Эплайсизлар-а?

— Худди шундай, ўртоқ генерал!— солдатлар баравариға ғоз туриб, честь беришди.

Жасур солдатларга ҳамроҳ бўлган Муҳиддин улар ҳақида газетага очерк ёзмоқчи бўлди. Топшириқ олган ўн киши тунда канализация қувурлари орқали шаҳар чеккасига чиқиб олдилар. Бироз юргач, душманнинг 13-танк қўшилмасига дуч келишди. Эҳтиёткорлик билан, блиндажни ўраб олиб, 3 офицер ва 12 солдатни қуролсизлантирдилар. Энди ортга қайтишаётганда эса қоронғиликдан: «Хенди хох, руссиш капут!..» деган немисча талаффуздаги сўзлар эшитилди. Қаттиқ отишма бошланди. Разведкачилардан олти киши ҳалок бўлди. Штабга бир неча «тил» келтирилди.

Муҳиддин фронтдаги мухбирлик фаолияти давомида қанчадан қанча миллат вакиллари билан учрашган бўлса, уруш туфайли уларнинг баъзиларидан айрилди.

— Ҳар гал молдован қизи Нина Середил ёдимга тушганда юрагим бир ўртанади, «Алвидо, Нина!» деб юборганимни сезмай қоламан.

1944 йилнинг охирларида Венгрияда қақшатқич жанглар борарди. Кетма-кет уюштирилаётган ҳужумлар туфайли баъзи жангчилар асосий қисмдан ортда қолиши, тартибсиз чекинаётган фашистларга рўпара келиб қолиши мумкин эди. Будапешт яқинидаги Хатван шаҳрида ана шундай бўлди.

Биз бир группа фронт газетасининг ходимлари қуюқ туман билан қопланган шаҳар ичкарисига кирганимизда душман солдатлари кўринди. Дарҳол машинадан тушиб орден, медаль ва ҳужжатларни юк халтага жойлаб, йўл чеккасидаги белгили дарахт остига кўмиб қўйдик. Немислар бизнинг ҳарбий эканлигимизни пайқамай қолиши мумкин эди. Аммо ўтиб кетаётганимизда шофер Саша Бондаренконинг плашчи елкасидан тушиб кетгани панд берди. Унинг эгнидаги ҳарбий кителни кўриб қолган элликдан ортиқ немис солдати бизни қуршаб ола бошлади. Жангда Саша ҳалок бўлди. Ярадор ҳолатда мени ва Нинани боғлаб, штабга олиб бордилар. Сўроқ, қийноқлар бошланди. Менинг панжаларимга суюқ порохдан укол қилишди, наф чиқмагач ёниб турган оловни тутдилар. Ертўлада устара билан қиртишланган бошимга муздек сув томчилатиб қўйишди. Барибир ҳеч нарса айтмадим. Нинани эса кўз олдимда қийнаб, ўлдирдилар. Бундай ваҳшийликларни таърифлаш учун тил ҳам ожизлик қилади. Ҳолдан тойиб, ҳушимдан кетибман.

...Муҳиддин ака урушнинг азоб-уқубатлари-ю, даҳшатларини бошидан кечирди. Беш марта яраланиб, икки марта контузия бўлишига қарамай иродасини букмади, бор куч-ғайратини меҳнатга сарфлади. Урушдан кейин у Фарғона вилоят Олтиариқ ноҳия комсомол комитетига котиблик қилди. Кейинчалик ноҳия партия ва вилоят комсомол комитетларида, Москвада олий партия мактабини битиргандан кейин эса 8 йил Араб мамлакатлари элчихоналарида ишлади. Бир неча марта Афғонистонга ҳам борди. У «Қизил Юлдуз», «Улуғ Ватан уруши», «Меҳнат Қизил Байроқ» ва «Ҳурмат белгиси» орденлари, қатор жанговар медаллар билан тақдирланди.

Ўтган вақтлар ичида катта ҳаётий тажриба тўплаган Муҳиддин Жабборов ҳамон қалам тебратиб келяпти. Ҳозир эса пойтахтдаги «Нур» ижодий уюшмасининг адабиёт ва маданият бўлимини бошқараётган Муҳиддин ака Афғонистон жанггоҳлари ҳақида ҳикоя қилувчи «Садоқат синовлари» драмаси устида ишлаяпти.

Ғ. Ғулом маҳалласидаги бу хонадон доимо меҳмонлар билан гавжум. Танишлар ҳам, нотанишлар ҳам келишади. Улар оловли йўлларни босиб ўтган Муҳиддин ака ва Афғонистонда байналмилал бурчини ўтаган ўғли Ҳусниддин уруш хотираларини тинглаш учун йиғиладилар.

**С. ШОДИЕВ.**

**Суратда: Муҳиддин Жабборов.**

# УНУТИЛМАС МАКТУБ

...Муқаддас тунда жанговар буйруқ олди. Ҳар галгидек унда қисқагина қилиб: «Душман мудофаасини ёриб ўтиб, тош йўл эгаллансин, немислар ҳушига келишига имкон берилмасин», дейилганди.

Командир юриш харитасини фонар билан ёритиб, унга энгашдида, бўлажак ҳаракат районини ўргана бошлади. Ботқоқлик жойидан айланиб ўтиб, рақибнинг олдинги маррасига бориш йўлини хаёлида белгилаб олди.

— Материал қисми текширилиб, жангга тайёрланди, — ахборот берди механик ҳайдовчи Бондаренко.

— Жангга ҳамма нарса тайёр, — рапорт берди минора соқчиси Супов.

— Машиналарга! — буйруқ берди Муқаддас Бадриддинов.

Танк ботқоқ ва буталар орасидан гулдираганича олға юрди. Ҳайдовчи кетаётган танкни тўғри ўққа тутишдан душман артиллериячиларини чалғитиш учун бир неча марта моторни ўчирди.

Тонг ёриша бошлади. Комсомол экипажи танкининг мотори ҳайбат солиб гувиллади. Унинг ўкиришига ўрмаловчи сербар ғилдиракларнинг қуруқ, ғижирлаши қўшилди. Чап ва ўнгда бошқа танкларнинг ҳам мотори ишлади. Совет жанговар машиналари ортидан тупроқ отганича душман мустаҳкам ўрнашиб олган марра томон йўрта кетди.

Душман мудофаасига юқори тезлик билан тўсатдан бостириб келинди. Супов аниқ мўлжаллаб немислар замбарагини ишдан чиқарди. Бондаренко танкнинг бутун оғирлиги билан душман миномети ва иккита пулеметини мажақлаб ўтди. Ўқчи-радист Зубрилин ўз пулемёти навбати билан қўрққан фрицларни қириб ташлади. Комсомоллар экипажи тош йўлга чиққанларида улар ўтган йўл немис босқинчилари жасади билан тўлганди.

— Шунқорлар! — деди экипажга танк командири. — Биз ишнинг ярмини бажардик, энди эса уни тамомлаймиз...

Мард комсомол танкчилар яна олдинга ташланишди. Бир неча снаряд билан иккита ўзиюрар замбаракни яксон қилишди. Немисларнинг битта танки, иккита автомашинаси, учта тўпи, учтача пулемёт уяси, жангчиларимиз ғилдираги билан эзиб ташланди.

Комсомол экипажи — Муқаддас Бадриддинов, украин Бондаренко, руслар Супов ва Зубрилинлар она-Ватанни немис босқинчиларидан озод қилиш учун шундай курашишди. Уларнинг ҳаммаси ҳукумат мукофотига тақдим этилдилар...

Зоҳида ая қўлига хатни олиб унинг устига қараб бироз эсанкираб қолди. Бундай хатларнинг кўпчилик хонадонларга қирғин келтирганидан хабари бор. Наҳотки, унинг фарзанди ҳам... Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас. У аста мактубни очди: «Ҳурматли Зоҳида Измайловна!» деб ёзилганди унда. Хатнинг бирмунча ўзгачароқ эканлигидан бироз кўнгли жойига тушди ва мактубнинг давомини ўқий бошлади.

«Сизга, бутун жангчилар оиласи номидан қизғин жанговар салом йўллаймиз.

Биз сизга, Зоҳида Измайловна, жанговар, жасур, ўртоғимиз комсомол аъзоси, сизнинг ўғлингиз Муқаддас Бадриддинов ҳақида комсомол коллективи мактубини ёзишга қарор қилдик. Қизил Армиянинг ёш офицери, Ленин комсомолида тарбия кўрган Муқаддас охиригача севимли Ватанга содиқ...

Биз комсомоллар жанговар ўртоғимиз Муқаддасни шонли Коммунистик партия сафига ифтихор ва ҳурмат билан тавсия қиламиз.

Қўмондонлик комсомоли аъзоси Муқаддас Бадриддиновнинг ҳаракатини юқори баҳолаб, олий ҳукумат мукофоти Қизил Байроқ орденига тақдим этди.

Биз сизга, З. Измайловнага жасур, баҳодир, қўрқмас Ватан жангчиси қилиб тарбиялаган ўғлингиз Муқаддас учун қизғин миннатдорчилик билдирамиз.

Сизга — Зоҳида Измайловнага узоқ йиллар умр кўришингизни, ҳаётингизга фаровонлик ва бахт тилаймиз.

**Хат умумий йиғилишда қабул қилинди.**

**Қисм парторги:**
**Илларионов.**

**Қисм комсорги:**
**Кондратков.**

**1943 йил 3 октябрь.**

Мактубни ўқиб онанинг кўз ёшлари балқди. Зоҳида ая ўғли шаънига илиқ сўзлар айтилган мактуб олганлиги ҳақидаги хабар тез орада бутун қишлоққа ёйилди. Қишлоқ аҳли уни муборакбод этишар, Зоҳида ая эса хатни қаерга қўйишни билмасди.

* * *

Ўша воқеаларни Муқаддас ака тез-тез ёд олиб туради. Ҳозирги тинч-тотув ҳаётимизнинг қадрига етиб, уни эъзозлашни ёшларга насиҳат қилади.

Меҳрибон ота, ажойиб инсон Муқаддас Бадриддинов меҳнат қилаётган «Ёш гвардия» нашриётида ҳам уни ҳамма эъзоз билан тилга олади.

**Дилшод ЖАЛОЛОВ,**
**журналист.**

